

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“Ўунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини
янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги
ПҚ-77-сон қарори**

КРЕДИТ БЕРИЛАДИ



2022 йилда дастурлар доирасида **500 миллиард** сўм хунармандчилик лойиҳаларини молиялаштириш учун йўналтирилади.



кредитлар “Хунарманд” уюшмаси аъзолари лойиҳаларини молиялаштириш учун **6 ой**гача имтиёзли давр билан **225 миллион** сўмгача ажратилади



имтиёзли кредитлар хунармандлар талаби бўйича **нақд пул** олиш имконияти билан тақдим этилади



олдинги йилларда хунармандларга ажратилган имтиёзли кредитларнинг сўндирилган **маблағлари** айнан хунармандчилик лойиҳаларини **молиялаштириш** учун **қайта йўналтириб** борилади



тадбиркорлик дастурлари доирасида имтиёзли кредит ажратиш бўйича “oilakredit.uz” платформасида хунармандларни **онлайн навбатга қўйиш** ва лойиҳаларини **кредитлаш** учун **алоҳида бўлим** ишга тушади. “Хунарманд” уюшмаси ва тижорат банклари **ўзаро ҳамкорликда** олинган имтиёзли кредитлар бўйича **доимий мониторинг** олиб боради

СУБСИДИЯ БЕРИЛАДИ



ёшларга хунар ўргатаётган **хунармандларга** - шогирдлар тайёрлаши, **зарур хомашё** сотиб олиши ва шогирдларни **иш ҳақи** билан таъминлаши учун **бир ой**да базавий ҳисоблаш миқдорининг **икки бараваридан** кам бўлмаган миқдорда;



шогирдларга – зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олиши, **усталарга** – интернет сайтларини ташкил этиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатларининг **50 фоиз** қисмига субсидия берилади.



Олинадиган субсидиялар базавий ҳисоблаш миқдорининг **йигирма беш баравари** миқдоридан ошмаслиги лозим



субсидия ажратиладиган хунармандлар ва шогирдлар рўйхати **“Хунарманд”** уюшмаси томонидан юритилади ва бу **“Онлайн маҳалла”** электрон платформаси билан **интеграция қилинади**



ҲУНАРМАНДЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИ



2022 йил 1 июнгача



Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят марказларида ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар савдосига ихтисослашган **150 квадрат** метрдан кам бўлмаган майдонда **ҳунармандчилик маҳсулотлари савдо павильонлари** ташкил этилади ҳамда **туристик маршрутга** киритилади

2022 йил 1 апрелгача



Тошкент шаҳри туманлари, Нукус шаҳри, вилоят марказлари ҳамда ҳунармандчилик ривожланган туман (шаҳар)лардаги **Давлат хизматлари марказларида** доимий фаолият кўрсатадиган **ҳунармандчилик маҳсулотлари кўرғазмалари** ва **савдо расталари** фаолият юритади

2022 йилдан бошлаб



“Ўзэкспомарказ” павильонларида **“Craft fair Uzbekistan”** халқаро **ҳунармандчилик маҳсулотлари** ва **технологиялари** ярмаркаси ташкил этилади

Доимий равишда



“Хунармандчилик марказлари” ва **“Уста-шогирд”** мактаблари **туристик маршрутларга** киритиб борилади. Ҳунармандлар ва уларнинг маҳсулотлари бўйича маълумотлар **самолиёт** ва **поезд вагонларда** жойлаштириб борилади

2022 йил 1 майгача



Ҳар бир ҳудуднинг миллий урф-одатлари, халқ амалий санъати ва миллий давлатчилик тарихини акс эттирган, сайёҳларга қизиқиш уйғотадиган, музейлардаги **ноёб экспонатлар** репликациялари асосида **янги ҳунармандчилик маҳсулотлари намуналари** тайёрланиб ҳунармандларга берилади. Ҳунармандлар томонидан **ушбу маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.**

Доимий равишда



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига **ҳар олти ойда бир мартаба** Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги **элчихоналари** ва **ваколатхоналарининг ҳунармандчилик маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқиш** ва тарғиб қилиш борасидаги фаолиятлари **юзасидан ҳисоботлари** эшитилади



ижтимоий солиқ ставкаси
йилига базавий ҳисоблаш
миқдорининг **бир баравари**
миқдориди белгиланади

“ХУНАРМАНД” УЮШМАСИ




фаолият юритиш жойидан қатъий назар **коммунал инфратузилма** хизматлари **ҳақини тўлаш** аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади



АЪЗОЛАРИГА


Интернет дўкон



Хунармандчилик фаолияти учун зарур бўлган **хомашё** базаси, шунингдек хунармандларнинг маҳсулотларини жойлаштириш ва сотишга мўлжалланган **“ИНТЕРНЕТ ДЎКОН”** онлайн платформаси яратилиб, ишга туширилади



Хунармандчилик субъектлари фаолияти учун зарур бўлган, жумладан **мис, олтин, кумуш** каби хомашё турларини уларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, чекланган миқдорда харид қилишларига имконият яратиш мақсадида, **2022 йил март** ойидан бошлаб, **Товар-хомашё биржасининг** хунармандлар учун алоҳида савдолари ташкил этилади



Хунармандчиликнинг **ёғоч буюмлар** ясаш ва **ёғоч ўймакорлиги** йўналишлари ривожланган ҳудудларда зарур бўлган **дарахт турларини экиш** ва **парваришлаш** мақсадида, ташаббускор хунармандларга ўзлаштирилмаган ёки пахтадан **бўшаган ерлардан** камида **10 гектар** ажратиб берилади



Ҳудудларнинг имконият ва ҳолатидан келиб чиқиб, **“Хунармандлар марказлари”, “Уста-шогирд”** мактаблари барпо этилади ҳамда янги иш ўринлари яратилади.



Шунингдек, хунармандлар **устахоналари, музейлари, ўқув марказлари** ва шаҳарчаси **“Ёш хунармандлар”** фестивали, **кўرғазма ярмаркалар** ташкил этиш, **брендлар** яратиш, **Хунармандлар шаҳри мақомини олиш** қайд этилган.